ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА — 2-бет

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ — 3-4-5-бетлар

ЗИЙРАК БОБО НИМА ДЕЙДИ? — 6-бет

ҲАФТАНГИЗ ХАЙРЛИ КЕЛСИН — 7-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 58 (10.111) / 2004 ЙИЛ 26 МАРТ

## Пойтахтнинг бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

● **ЭРТАГА** «ЭКОСАН» халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими «ЭКОСАН» — Меҳр-мурувват йўлида» мақсадли дастури доирасида Яккасарой туманидаги 1-неврология диспансерида хайрия тадбири ўтказади. Унда диспансернинг геронтология бўлимида даволанаётган беморларга кийим-кечак, ўрин-кўрпа анжомлари ва озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат умумий қиймати 780 минг сўмлик мурувват ёрдами топширилади.

● **КЕЧА** Тошкент шаҳар Адлия бош бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши, «Никоҳ ва оила маросимлари» маркази томонидан ташкил этилган «Оила — муқаддас Ватан» Ёш оила қурувчилар мактабининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон — либерал демократик партиясининг Мирзо Улуғбек туман Кенгаши томонидан «Дархон» қаҳвахонасида Наврўз айёми муносабати билан тумандаги фахрийлар иштирокида байрам тадбири уюштирилди.

● **ЭРТАГА** Собир Раҳимов туманидаги Мирзо Ғолиб номли маҳаллада туман ҳокимлиги ва маҳалла фаоллари ташаббуси билан Наврўз байрами нишонланади.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш тўғрисида

***Буюк ватандошимиз, ўз даврида диёримизда тинчлик ва аҳилликни қарор топтиришга, муқаддас ислом дини, ислом фалсафаси ривожига катта ҳисса қўшган ва бой маънавий мерос қолдирган улуғ мутафаккир Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, дин ишлари бўйича қўмита, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Амир Темур жамғармаси ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигининг Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Тошкент ислом университети, Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан биргаликда:

Хожа Аҳрор Валий асарларининг қўлёзмалари манбаларини кенг, холисона талқин ва ёндашувлар асосида ўрганиш, алломанинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги замонавий тадқиқотларни тўплаш ва нашр этиш;

Самарқанд шаҳрида «Хожа Аҳрор Валийнинг Марказий Осиё тарихи ва маънавиятида тутган ўрни» мавзуида республика илмий-амалий конференциясини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар белгиласин.

4. «Ўзбеккино» миллий агентлигига алломанинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган тарихий-ҳужжатли фильмни суратга олиш топширилсин.

5. Маданият ишлари вазирлиги Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Хожа Аҳрор Валийнинг Самарқанд туманидаги меъморий мажмуасини таъмирлаш ва унинг атрофини ободонлаштириш ишларини амалга оширсин.

6. «Ўзбектуризм» компаниясига Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, «Нуроний» жамғармаси билан биргаликда Хожа Аҳрор Валий номи билан боғлиқ қадамжоларга юртдошларимизнинг зиёратларини ташкил этиш вазифаси топширилсин.

7. Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллиги билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Хусниддинов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 25 март

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Сайдулло Бегалиев Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинланди.**

**● Кеча Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссиясида «Меҳр ва мурувват йилида хайрия жамғармаларининг фаолияти» мавзуида минтақавий семинар бўлиб ўтди. Унда Бухоро, Навоий, Қашқадарё вилоятлари мисолида нодавлат ташкилотларнинг бу борадаги ишлари таҳлил қилинди.**

**● Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши «Орол дарди — эл дарди» мавзуида танлов эълон қилди.**

**● «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ҳаво қатновларини ҳафтасига олти мартага кўпайтиришга бағишланган шартномаларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.**

**● Халқаро бизнес марказида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA)нинг қўшма лойиҳаси бўйича ҳамширалик ишини янада ривожлантиришга бағишланган семинар ўтказилди.**

**● Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонасида юртимизнинг бир нечта фуқароларига Франциянинг фахрий мукофоти — «Palmes Akademigues» топширилди.**

**● Термиз Археология музейида «Ўзбекистон ҳудудида илк давлатчиликнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш босқичлари» мавзуида анжуман бўлиб ўтди.**

**● Жондор туманидаги «Еврочинор» Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонасида кунгабоқар ёғи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**

### Жаҳонда

**● БМТ Хавфсизлик Кенгаши Кофи Аннаннинг Ироққа икки гуруҳдан иборат экспертларни юбориш ҳақидаги қарорини қўллаб-қувватлади. Ушбу гуруҳлар асосан Ироқда сайловларга тайёргарликни амалга ошириш ва сиёсий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда ёрдам кўрсатади.**

**● Парижда Франция Президенти Жак Ширак ва Германия Федерал канцлери Герхард Шрёдер ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Улар ўртасидаги музокараларнинг асосини яқинда Мадридда рўй берган портлашлардан кейин Европада тобора кучаяётган терроризм хавфи ва у билан кураш масалалари ташкил этди.**

**● Жорий йилнинг май ойида Латвия Республикаси Европа Иттифоқига расмий қабул қилинади. Шу муносабат билан Латвия ҳукумати амалдаги шартларни бажариб ушбу жараёнга тайёргарлик кўрмоқда.**

**● Россия Федерацияси биринчилардан бўлиб Косовога инсонпарварлик ёрдамини кўрсатмоқда. Хусусан, озиқ-овқат ва иссиқ кийимлардан иборат юклар Белградга жўнатилди.**

***«Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ўқув марказида бўлиб ўтган концертда она юрт, баҳор фасли ҳақида қўшиқлар янгради, замонавий рақслардан тузилган хореографик композициялар намойиш этилди. Ёш ижрочилар - Тошкент ва Самарқанд меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг ушбу концерт дастури Наврўз байрамига бағишланди.***

## БОЛАЛАР БАЙРАМИ

Иқтидорли болалар билан учрашувга Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси, БМТнинг ЮНИСЕФ ва ЮНФПА жамғармалари вакиллари, шунингдек Ўзбекистонда фаолият юритувчи чет эллик дипломатлар ташриф буюрди. Меҳмонлар ёш артистларнинг маҳоратига юқори баҳо берди. Улар шу ерда ташкил этилган болалар амалий ва тасвирий ижоди кўргазмасини зўр қизиқиш билан томоша қилди.

Бу ташкилотлар меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлар тарбияланувчиларининг баркамол ўсишига йўналтирилган дастурларни амалга оширишда «Sen Yolg'iz Emassan» жамғармаси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хайрия ташкилотининг очилганига бир йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлиб, унинг мақсади - ота-она ғамхўрлигидан маҳрум бўлган болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Ташкилот уларни ижтимоий қўллаб-қувватлайди, ёш иқтидорларни аниқлашга ҳамда уларнинг қўшимча таълим олишига ёрдам беради.

Ушбу вазифаларни бажаришда жамғарма ҳузурида ташкил этилган ўқув марказининг ўрни катта. Бугун бу ерда Тошкентдаги меҳрибонлик уйларининг 200 дан ортиқ тарбияланувчиси шуғулланади. Улар математика, кимё ва инглиз тилини ўрганмоқда. Бир нечта ижодий студиялар - хореографик, драматик, тасвирий санъат тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, «Sen Yolg'iz Emassan» жамғармаси болалар учун театр спектакллари, цирк томошалари, таниқли артистлар иштирокида концертлар, кўргазмалар ташкил қилади, спорт мусобақалари ўтказади. Ота-она меҳридан бебаҳра қолган болаларнинг соғлиғи ҳам диққат марказида. Пойтахтнинг энг етакчи шифохоналари уларни тиббий назорат остига олган.

Меҳр ва мурувват йилида жамғарма ўз фаолиятини янада кенгайтиришни режалаштирган. Қўшимча маблағ жалб қилиш учун махсус ҳисоб рақами очилган бўлиб, унга давлат ва жамоат ташкилотлари, корхоналар, жумладан қўшма корхоналардан бадаллар келиб тушади ҳамда ушбу маблағлардан хайрия мақсадларида фойдаланилади.

## «Матиз» - Бокудаги автошоуда

***«Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясидан хабар беришларича, «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси «Автошоу Озарбойжон-2004» кўргазмасида иштирок этиб, «Нексия», «Дамас» ва «Матиз» автомобилларини намойиш этди.***

Кўргазмада дунёнинг 20 та мамлакатидан 42 та компания қатнашди. Улар орасида енгил ва юк автомобиллари, мотоцикллар ишлаб чиқарувчилар, турли хизматлар кўрсатувчи автосервис фирмалари бор.

Асакадаги «ЎзДЭУавто» корхонаси автомобиллари келганлар эътиборини ўзига жалб қилди, айниқса «Матиз» уларда катта қизиқиш уйғотди.

Ҳозирдаёқ «Азагромаш» (Боку) компанияси томонидан Озарбойжонга автомобилларимизнинг биринчи партияси келтирилди. Истиқболда бу ерда нафақат дилерлик тармоғини яратиш, балки автосервис станциялари очиш йўли билан сотишдан сўнг автомобилларга техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш режалаштирилмоқда.

**ЎзА**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Қонунга мувофиқ қайси жисмоний шахслар ер солиғидан озод этиладилар?**

**У.Эгамов, ишчи.**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 102-моддасига асосан қуйидаги жисмоний шахслар ер солиғидан озод қилинадилар:

Яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибоқарлар, механизаторлар, ветеринар врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари;

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлганлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари;

Хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар;

Ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари — хизмат муддатида;

I ва II гуруҳ ногиронлари;

ёлғиз пенсионерлар;

Боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар, Чернобиль АЭСидаги фалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар;

кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича-ер участкалари берилган вақтдан эътиборан беш йилгача.

* * *

**Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз болаларнинг таъминот талаб қилишга ҳақлари борми?**

**У.Мусурмонкулова, талаба**

Меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож вояга етган болалар ота-онасидан, агар улар йўқ бўлса, яқин қариндошлари ва қонунан ёрдам беришга ҳақли деб кўрсатилган бошқа шахслардан ўз таъминоти учун алимент талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда алимент миқдори суд томонидан алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг моддий ва оилавий аҳволи ҳисобга олиниб, пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши мумкин.

* * *

**Ўғлим ўн ёшда. Шундай бўлсада унинг бирор марта китоб ўқиганини кўрмайман. Мактаб дарсликларини ҳам амаллаб ўқийди. Бола тарбиясида китобнинг аҳамияти қай даражада эканини биламан. Назаримда кейинги пайтларда болаларнинг китоб ўқишга қизиқмаслиги муаммога айланиб бораётгандек. Қандай маслаҳат берасиз, ўғлимда китобга меҳр уйғотиш учун нима қилишим керак?**

**Ш.Латипова, уй бекаси.**

Аввало биз ота-оналар фарзандларимизга ўзимиз ўрнак бўлмоғимиз лозим. Газета, журнал, китобларда ўқиган қизиқ воқеаларни айтиб, керак бўлганда уларга чиройли қилиб ўқиб беришимиз керак. Ўйлаб кўрингчи, ўзингиз охирги марта қачон китоб ўқидингиз? Ўғлингиз ёки қизингиз биронта савол берганда, ҳаётда китоб ёки журналнинг тутган ўрни катта бўлиши ҳақида айтиб, уларни қизиқтириб, китобдан олган билимингиз орқали жавоб берганмисиз. Демак, фарзандларимизни китоб ўқишга, илмли бўлишга ўзимиз қизиқтиришимиз, ойнаи жаҳон орқали бериладиган саргузаштли, ур-сур, даҳшатли киноларнинг салбий таъсиридан сақламоғимиз лозим.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича 133-29-09 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали ҳуқуқшунослар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Мактуб ёзинг, қўнғироқ қилинг, кутамиз.**

# Ўзбекистон—Бангладеш: ҳамкорлик учун салоҳият мавжуд

***26 март — Бангладеш Халқ Республикасининг миллий мустақиллик куни***

— Озодлик учун узоқ йиллик курашдан сўнг Бангладеш халқи 1971 йилда орзиқиб кутилган миллий истиқлолга эришди, — дейди Бангладешнинг Ўзбекистондаги элчиси Абдус Салом. — Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимиз қашшоқлик ва мустамлака зулмидан халос бўлган демократик жамият ва тараққий этган давлат барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. 2001 йилнинг октябрида бўлиб ўтган умумхалқ сайловлари республиканинг демократик ривожланиши ва иқтисодий тараққиётининг янги босқичини бошлаб берди. Бангладешнинг ҳозирги ҳукумати саъй-ҳаракатлари демократик қадриятлар ва тамойилларни мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти институтлари мавқеини оширишга йўналтирилган ва бу борада биз муайян муваффақиятларга эришмоқдамиз.

**— Ўзбекистон билан Бангладеш ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик бугунги кунда қайси соҳаларда ривожланмоқда?**

— Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар 1992 йилда ўрнатилган. Ўтган вақт давомида Бангладеш билан Ўзбекистон турли соҳаларда ўзаро манфаатли ва дўстона алоқаларни ривожлантириб келмоқда. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, замонанинг қатор долзарб муаммолари юзасидан икки давлатнинг нуқтаи-назарлари бир-бирига яқин ёки муштаракдир. Бангладеш Ўзбекистоннинг минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро терроррчилик ва диний экстремизмга қарши курашдаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди ва юқори баҳолайди.

Биз иқтисод, маданият ва сайёҳлик соҳаларида ҳам фаол ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганмиз. Бугунги кунда Бангладеш Ўзбекистонга чой, чарм маҳсулотлари, дори-дармонлар, каноп етказиб бермоқда ва ўз навбатида, пахта ва бошқа қатор маҳсулот турларини импорт қилмоқда. Айни пайтда, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш учун катта имкониятлар мавжуд. Бангладешлик компаниялар ва фирмаларнинг Ўзбекистонда бизнесни ривожлантиришга бўлган қизиқиши тобора ортмоқда. Хусусан, бунга ўтган йили Ўзбекистон ҳукумати томонидан миллий валютанинг эркин муомаласи таъминлангани алоҳида туртки берди.

Жорий йилнинг апрель ойида Бангладеш расмий делегациясининг Тошкентга ташрифи чоғида икки муҳим ҳужжат — икки томонлама солиқ солмаслик ҳамда маданият соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги шартномаларни имзолашга тайёрлаш мўлжалланмоқда.

Айтиш жоизки, ўтган йили Бангладеш вакили Самарқандда ўтказилган халқаро "Шарқ тароналари" анъанавий мусиқа фестивалининг совриндори бўлди. Айни пайтда, ўзбекистонлик спортчиларни — футболчилар, теннисчилар ва шахматчиларни Бангладешда яхши билишади.

Мамлакатингизга Бангладешдан ташриф буюрувчи сайёҳлар сони йил сайин ортмоқда. Бунда Тошкент-Дакка йўналиши бўйича ҳафтада икки марта авиақатновларни амалга ошираётган "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпаниясининг хизматлари ҳам бор. Юқорида тилга олинган омиллар Бангладеш билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ришталари ва ўзаро ҳамкорлик алоқалари бундан буён ҳам халқларимиз манфаатлари йўлида мустаҳкамланиб бораверишига ишончли асос бўлади.

**Мардон ЁҚУБОВ, "Жаҳон" АА**

***Наврўз байрами шаҳримизнинг ҳар бир гўшасида ўзгача завқ-шавқ билан ўтмоқда. Бу байрам қадриятларимиз, урф-одатларимиз, миллийлигимиз анъаналари уфуриб турганлиги учун ҳам биз учун азиз ва эъзозлидир.***

*Юртимизда Наврўзи олам*

# КЎНГИЛЛАРНИ ЧАРОҒОН ЭТИБ

Ана шундай шодиёна байрам тадбири яқинда Собир Раҳимов туманидаги «Қамарнисо» гузарида, 24-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун ўтказилди. Тадбирни ўтказишда Яккасарой туман савдо департаменти ва «Аския» бозори маъмурияти ҳомийлик қилди.

Кечада шаҳар ҳокимлиги, Республика ва шаҳар «Маҳалла» жамғармалари, Республика, шаҳар ва туман вояга етмаган болалар билан ишлаш комиссияси, Республика «Нуроний» жамғармаси томонидан ажратилган турли-туман совғалар болаларга тақдим этилди.

— Қалби ўксик, кўнгли ярим болаларнинг дилига йўл топиш, вақтини чоғ қилиш — улуғ иш. Зеро, болалар бизнинг бугунимиз, эртамиз, нурли, ёрқин келажагимиздир. Биз улар учун ҳар не қилсак ҳам оз. Болаларимизга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибордан улар жуда хурсанд. Биз эса шу эзгу ишлар, хайрли мақсадларга бош бўлиб турган инсонлардан миннатдормиз, — дейди 24-меҳрибонлик уйи директори Доно Ворисова. Шунингдек, кечада Глиэр номли мусиқа мактаби ҳамда туман маданият уйи санъаткорлари ўзларининг ранг-баранг рақслари, дилбар қўшиқлари билан кечанинг файзли ўтишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Дарҳақиқат, Наврўзи оламда барча эзгу ишлар чин дилдан, самимият билан амалга оширилади. Чунки шундай улуғ айёмда ҳамманинг яхшилик қилгиси келади. Негаки, яхшилик нурли манзилларнинг калитидир.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТЛАРДА: байрам тадбиридан лавҳалар.**

**Козим Ўлмасов олган суратлар.**







# Маҳаллада тадбир

***Ўлкамизда Наврўз айёми ўзгача шукуҳ билан нишонланмоқда. Ана шундай тантана пойтахтнинг Юнусобод туманидаги Беруний маҳалласида ҳам бўлиб ўтди.***

Тадбир катта байрам тусини олди. 500 дан ортиқ кўп миллатли хонадон — маҳалла аҳли «Наврўз» байрамини эсда қоларли даражада нишонлади.

Дошқозонда ош дамланди. Сумалак тортилди. Маҳалланинг уруш ва меҳнат фахрийларига совға-саломлар улашилди. Шу куни кам таъминланган оилаларнинг уч нафар фарзандига суннат тўйи ҳам бўлиб ўтди. Кексалари бор хонадонларга бориб, байрам совғалари берилди.

Маҳалла ҳудудидаги 302-мактаб ўқувчиларининг театрлаштирилган томошаси ушбу байрамга янада завқ-шавқ берди. Наврўз айёмига бағишланган тадбир харажатлари эса маҳалла тадбиркорларининг байрам тўёнаси бўлди.

**СУРАТДА: Беруний маҳалласида Наврўз тантаналари.**

**Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат.**

*Фан*

# ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТАРИХИГА БАҒИШЛАНДИ

***Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих институти билан Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети ҳамкорлигида академик Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» Республика илмий семинарининг 29-йиғилиши бўлиб ўтди.***

Тошкент Давлат техника университетининг мажлислар залида бўлиб ўтган, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда ўқув юртларидан келган етакчи ва ёш тарихчи олимлар қатнашган ушбу семинарда «Ўзбек давлатчилиги тараққиёти тарихида фан ва техника омиллари» мавзуси муҳокама қилинди. Унда Д.Алимова, Қ.Аллаев, Ю.Буряков, С.Каримова, К.Норқулов, А.Отажонов, Ф.Шарипов ва бошқа бир қатор олимлар ўз маърузалари ва илмий чиқишлари билан қатнашдилар.

Ушбу мавзу юзасидан маърузалардан кейинги муҳокамалар, баҳсларда айрим масалаларга аниқликлар киритилди.

Семинардаги маъруза матнларини чоп этиш, уларни ўқув юртларининг талаба ўқувчиларига етказиш тавсия этилди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиш доно бўлар...

● Кайф-сафо хаёлга асосланади дейиш мумкин, саодат эса фақат ҳақиқатга асосланади.

● Бир ишни бошламасдан илгари уч нарсани кўзда тутиш керак:

1-ишнинг моҳиятидан яхши хабардор, уста бўлишдир. Агар уста бўлмаса, у ишдан фойда чиқмайди. Масалан: табобатдан хабарсиз киши табиблик қилса, касални ҳалокатга етказади. 2- у ишнинг охирига етказиш учун сабр-тоқатли бўлиш, агар ишга қобилиятсиз, сабр-тоқатсиз бўлса, иш ўлда-жўлда бўлиб қолади. 3-ишга кириш вақти, замонини яхши билиш. Вақти келмасдан аввал шошқалоқлик билан бошланган иш унумсиз бўлади.

● Бугун ярим оч, ярим тўқ бўлиб қолиш — эртага номардга муҳтож бўлишдан яхшироқдир.

● Бир китоб, бир рисоладаги камчиликларни ёзувчидан кўра ўқувчилар яхшироқ биладилар.

● Номус, шуҳратни зое қилгандан кўра, ҳалок бўлиш афзалдир.

● Қадимги Эрон донишманди Бузуржмехрдан:

— Сиз бунча илмга нима хислатингиз билан эришдингиз? — деб сўрадилар.

Бузуржмехр жавоб берди:

— Қарға жуда зийрак, эрта турадиган бир қуш, чўчқа жуда харис, очкўз ҳайвон, ит сабрли, чидамли, мушук эса тавозеъли ҳайвондир. Мен шулардан ибрат олиб, ялқов бўлмадим, эрталаб туриб ишга киришдим, меҳнатдан қочмадим, илм ўрганишга харис бўлдим. Илм йўлида ҳар бир оғирликка чидадим, сабр қилдим, юмшоқ сўзли, тавозеъли бўлдим. Мана шу хислатларнинг соясида илм ҳосил этдим. Мурод, мақсад хазиналари меҳнат кўприги устидадир.

● Туркий элларнинг адиби ва шоири Юсуф хос Ҳожиб айтади:

— Уй-жой олмоқчи бўлсангиз, қўшниларни ва сувни суриштиринг. Аввал ўйлаб, кейин сўзласангиз, пушаймон емайсиз, доимо фароғатда яшай десангиз, ғофилликни ташланг, бообрў бўлай десангиз, ёлғон сўзламанг, ўзингизни ҳаммага севдирмоқчи бўлсангиз, кўнглингиз билан тилингизни бириктирманг, феъл-атворингиз яхши бўлсин, очиқ юзли, ширин сўзли бўлинг, ёруғ юзли бўлишни истасангиз тўғриликни ўзингизга шиор қилиб олинг.

● Муҳиддин ибн Арабий айтади:

— Таъмагир кишида тавфиқ бўлмайди. Ҳасад — ёмон хислатларнинг энг ёмонидир. Ҳаё кетса, бало келади. Олижаноб одам ўз шахсий фойдасини кўзлаб, бошқаларни ранжитмайди.

● Бир шоир айтади:

**Улуғлар хизматидан**
**баҳри топмоқ**
**истасанг ўғлон**
**Уларнинг сўзларига**
**сол қулоғинг**
**бўлмагин ҳайрон.**

---

**Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши республикамизнинг умумхалқ байрами Наврўзи олам кунларида фахрийларга ҳар томонлама салмоқли кўмак кўрсатмоқда. Шу кунгача Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманидаги «Саховат» уйига 200 минг сўм, Жиззах вилоятидаги Қариялар пансионати ҳамда Сирдарё вилоятидаги «Саховат» уйига 35 турдаги жами 5 миллион сўмликка яқин дори-дармонлар топширишган эди.**

*2004 — Меҳр ва мурувват йили*

# ФАХРИЙЛАР МАМНУН БЎЛИШДИ

Куни кеча жамғарма раҳбарияти пойтахтимиздаги уруш ва меҳнат фахрийларининг «Нуроний» шифохонасида даволанаётган отахон-онахонларимиз ҳузурида ҳам бўлиб, уларга жами 2 миллион 170 минг сўмлик дори-дармонлар топширишди.

— Биз фахрийларни ҳамиша ардоқлаб, эъзозлаб келганмиз, — дейди жамғарманинг Марказий Кенгаши раиси Эркин Боқибоев. — Чунки сизнинг эртанги умидли кунларимиз, тобора янгиланиб бораётган турмушимизнинг пойдеворини қуришда салмоқли ўрнингиз бор. Айни пайтда бу йил «Меҳр ва мурувват йили» деб бежиз номланмаган. Аслида бу йил ҳам аввалги йиллар анъаналари «Қарияларни қадрлаш йили», «Обод маҳалла йили»нинг мантиқий давомидир. Ҳа, биз сизнинг ўта шарафли меҳнатингизни, айни пайтда масъулиятли кечган беқиёс хизматларингизни унутишга ҳаққимиз йўқ.

Шу куни жамғарма раҳбарияти мазкур шифохонада даволанаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, жумладан уруш фахрийси Камолхон Носирхўжаев, 80 ёшли онахон Ойшахон ая Олимжоновалар билан суҳбатда бўлиб, уларнинг дил сўзларига қулоқ солишди. Уларнинг бу ердаги намунали шарт-шароитлар, юқори малакали, айни чоғда ширинсўз тиббиёт ходимларининг беминнат хизматлари туфайли саломатликлари тикланаётганидан мамнун эканликларини изҳор қилишди.

Шу куни айрим беморлар шифохонада уйлари билан боғланиб туришлари учун телефон хизмати яхши йўлга қўйилмагани, фойдаланиш учун тавсия этилган мавжуд телефон ҳам пулли бўлгани устига жетони тўғри келмай, турли асаббузарликлар келтириб чиқараётганини айтиб ўтишди. Бу масалада шифохона маъмурияти, қолаверса, туман телефон тармоғи бўлими мутасаддилари имкониятларидан келиб чиқиб, бу муаммони бартараф этиш йўлида керакли чора-тадбирларни кўрадилар, деб умид қиламиз.

**Зоир ТУРСУНОВ**

---

## ЯНА ЯШИЛ ЧИРОҚ ҲАҚИДА

Айниқса шоҳкўчаларда йўл ҳаракатини белгиловчи яшил чироқ ишламай қолса, ўз-ўзидан транспорт ҳаракати қийинлашади. Бундай пайтларда дарҳол ўша жойдан йўл назоратчилари ўрин олиши, улар транспорт қатновини тартибга солиб туришлари керак. Афсуски, бундай пайтларда ҳар куни, ҳар соатда бўлар-бўлмасга машиналарни тўхтатиб, ҳайдовчиларнинг асабига тегадиган ҳозиру нозир назоратчилар кўринмай қолишади. Бундай бебошлик вақтида қоидабузар ҳайдовчиларнинг куни туғади. Улар ҳоҳлаган жойдан транспортни бошқариб ўзгаларга йўл бермасликка ҳаракат қилишади. Баъзида эса бу қадар ўзбошимчаликларнинг охири аянчли якун топади. Машиналар тўқнашуви юз беради. Уларга аниқ мисол келтириб ўтиришга ҳожат йўқ. Чунки ҳар биримиз албатта бундай ҳолатларга кўп марта дуч келганмиз.

Тунов куни, яна ҳам тўғрироғи ўтган сешанба куни Амир Темур кўчасининг Шивли бекатида яшил чироқ ишламай қолди. Қарама-қарши томондан келаётган машиналар тирбанд. Улар бирбирларига йўл бермаслик натижасида тиқилиб, сиқилиб қолишган. На олдинга, на орқага силжишнинг иложи йўқ. Чунки бирбирига орқама-орқа тақалиб турган машиналар карвонининг кети узилмайди.

—Бизку амал-тақал қилиб ўтиб олдик. Энди қолганлар нима қиларкин? — дейди ҳайдовчимиз.

Ўйланиб қолдик. Балки яшил чироқ ишлаб қолар, ёки бўлмаса бирор йўл назоратчиси ўртада туриб транспортлар ҳаракатини тартибга солиб юборар, деган умидда йўлимизда давом этдик.

## УМР ЗАВОЛИ

Одилжон оламдан бевақт кўз юмди. Унинг онаизори Мастура хола ҳам, бир ҳафталик келин Салимахон ҳам ёқа йиртиб қолаверишди.

Шум хабардан маҳалла аҳли, қариндошлар ларзага келди. Санамай саккиз дейдиган баъзи бировлар таъна тошини келинга отишди. «Қадами ёмади», «Шум қадам» каби сўзлар таъзияга келган хотинлар оғзидан эшитилиб турди. Биров эса айбни ҳайдовчига қўйди. Яна биров ҳамма иллатни ичкиликдан қидирди.

...Ўша куни кечки пайт Одилжонни ҳамкасб дўстлари қуршаб олишди. Оғайниларидан бири «куёв оши» ҳақида оғиз очиши билан ҳамма уни қувватлай кетди. Куёв йигит ўша дамдаёқ «қарзини» узишга жазм этди. Тайёргарлик бошланиб кетди.

Биринчи қадаҳ куёв ва келиннинг соғлиғига кўтарилди. «Хўш сенчи?» дейишди дўстлари қўлидаги қадаҳни ичишга иккиланиб турган Одилжонга.

— Шундай сўз учун ичмаслик гуноҳ.

— Шу вақтдан келинни ўргатиб бормасанг кейин сенга бутунлай бўйсунмай қўяди.

—Ё ҳозирдан ноғорасига ўйнаяпсанми?

Чакка-чаккадан айтилган сўзлар Одилжоннинг нафсониятига тегди. У ўзининг кимлигини кўрсатиб қўймоқчи, хотинининг чизиғидан чиқмайдиган пандавақи йигитлардан эмаслигини исботламоқчи бўлиб кетма-кет ичди.

Йигитлар алламаҳалда тарқалишди. Одилжон аранг оёғида турса-да сир бой бергиси келмади. Дўстлари билан хайрлашиб уйига жўнади. Катта йўлни кесиб ўтаётганда фожеа рўй берди. Чайқалиб бориб шитоб билан ўтиб бораётган машинага урилди.

Шифокорларнинг муолажалари ёрдам бермади. Эндигина 22 баҳорни қаршилаган йигит ҳаёт билан видолашди. Маросимга тўпланганлар ичкиликни лаънатлашарди.

Эртасига тушлик пайти Одилжонни дафн этдик. Қабристондан ҳаммамиз паришонхотир қайтдик. Марҳумнинг ҳовлисига кирганимизда онаизор фарёд уриб йиғларди. Ҳаммамизнинг кўзларимиз ёшга тўлди.

---

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## УЧРАШУВ

Ҳастимомлик Ботирали деган дўстим бўлгувчи эди. Эски уйларимиз бузилгач, у билан узоқ муддат кўришмай қолдик. Сабаби, қўшнилар ҳар томонга тарқаб кетдик. Биров шаҳарнинг у томонидан, биров бу томонидан жой олди. Кимлардир кўп қаватли уйларга кўчиб ўтди.

Яқинда Эски Жува бозорида Ботиралини учратиб қолдим. Ангачага омонлашиб, ҳол-аҳвол сўрашиб турдик. Бир-биримизга телефон рақамларимизни, уй манзилларимизни ёзиб бердик.

— Келаётган жума куни кечки пайт албатта бизникига ўтгин. Бир мазза қилиб суҳбатлашамиз. Ахир эски қадрдонлармиз, шундай экан борди-келдини тикламасак бўлмайди, — деб қолди хайрлашув чоғида у.

Таклифни қабул қилдим. Жума куни кечки пайт дўстимникига, Юнусободга жўнадим. Сўраб-сўраб Маккани топган эканлар, мен ҳам сўраб-суриштириб Ботираликини осонлик билан топиб бордим. Тўққиз қаватли осмонўпар бинонинг учинчи қаватига кўтарилиб, эшик қўнғироғини босишим билан бир зумда ичкаридан Ботиралининг ўзи чиқиб келди.

—Эй, келинг, келинг, Зийрак бобо, шу топда сизни эслаб ўтирган эдим.

Мезбоннинг такаллуфи билан каттагина хонада безатилган дастурхон атрофидан жой олдик. Биз ўтирган хонага саломлашиб кириб-чиқиб турганлар орасида Ботиралининг аёли кўринмасди. Уни сўраб-суриштиришга истиҳола қилиб турардим. Шу топда бирдан эшикдан 17 ёшлар чамасидаги шўх бир йигитча кириб келди. Биз билан омонлашгач Ботирали уни менга таништирди.

—Кенжа набирам Йигитали, — кейин йигитга юзланди. — Зийрак бобонгни таняпсанми бўтам?

— Кўришмаганимизга анча йиллар бўлсада танидим. Яхши юрибсизми бобо? Бувам сизни, эски қўшниларимизни тез-тез эслаб турадилар. — Йигитали менга жилмайиб шундай дедида, қўлидаги қоғозга ўроғлиқ нарсани Ботиралининг олдига қўйди.

— Бу нима, бўтам?

— Биринчи маошимдан сизга арзимас совға бува.

— Отанг ўргилсин сендан, нима қилардинг овора бўлиб, — миннатдорчилик билдирди Ботирали ўзида йўқ хурсанд бўлиб.

— Олдин кийиб кўрингчи, сизга лойиқмикан. Бўлмаса эртага алмаштириб келаман, — дея у қоғозни очиб ичидан чиройли чакмонни олдида Ботиралининг елкасига ташлади. Чакмон қуйиб қўйгандек унга ярашиб тушди.

— Тупроқ олсанг олтин бўлсин болам. Афсуски бу кунларни сени боқиб катта қилган бувинг кўрмадида.

Бу гапдан Йигиталининг кўзи ёшланди. Ўпкаси тўлиб хонани тарк этди. Шундагина мен нодон Ботиралининг аёли Хайринисанинг вафот этганини билибман. Сўраб-суриштирсам у бундан икки йил муқаддам оламдан ўтган экан. Орадан шунча фурсат ўтибдию, яқин қадрдонимнинг бошига тушган бу мусибатдан мен бехабар юраверибман.

— Шундай бўлиб қолди биродар. Қийин қисталанг бўлиб сенга хабар қилолмай қолдик, — деди Ботирали. — Унинг устига манзилингни аниқ билмадик.

Кўчада бир куйиниб, бир қувониб кетиб борардим. Куйинишим оғир кунда Ботиралининг ёнида бўлолмаганим, қувончим эса биринчи маошидан бобосига совға олиб келишни унутмаган набиранинг зийраклиги. Ҳар қалай Ботирали якка эмасди, ёнида бири-биридан одобли ўғил-қизлари, одамохун набиралари борлигидан кўнглим таскин топгандек бўлди.

*Билиб қўйган яхши*

## ЭНГ ШИРИН

Табиатда инсон таомномасига киритилмаган, аммо пазандалик учун ғоят аҳамиятли бўлган ўсимликлар жуда кўп. Шулардан бири ғарбий Африкада ўсадиган бир навли ёввойи кўкат ҳисобланади. Англиянинг илм-фанни ривожлантириш бўйича ташкилоти олимлари ўша ўсимликни ўрганишга киришди, у ҳали ботаника систематикасидан ҳам ўрин олмаган экан. Меваси биокимёвий анализ қилинганда кўпчилик ишонмайди, кўпчилик лол қолади: таркибида протеин моддаси бўлиб, унинг ширинлик даражаси шакарникидан минг баробар кучли эканлиги аниқланган. Маълумки ширинлик моддалари баҳорда, глюкоза, фруктоза, левилоза, мальтоза, лактоза-углеводлар ёки корбон сувлар деб юритилади. Аммо ҳалиги ўсимлик таркибидаги ширинликнинг углеводга сира ҳам алоқаси йўқ, у шунчаки ўзига хос оқсил моддасидан иборатдир. Олимлар пазандалар билан ҳамкорликда ўша ўсимликдан олинган протеинни қўшиб турли таомлар тайёрлаб кўришди ва одамларга едириб тажриба ҳам ўтказишди. Маълум бўлишича янги таомлар жуда хушхўр, хушбўй ҳамда ғоят тўқ тутар экан. Энг муҳими шундаки, ўша таомларни тановвул этган кишилар ўта семириб кетмас ёки ошқозон-ичак, юрак-қон-томир системаларида ҳеч қандай хасталик рўй бермас экан.

Кимёгар ҳамда медицина олимларининг ана шу юқорида берган маълумотлари асосида ботаника олимлари ўша мўъжизакор ўсимликни маданийлаштириш, турли иқлимий шароитларга мослаш, уруғини кўпайтриш, агротехникасини ишлаб чиқиш устида комплекс иш олиб бормоқдалар.

Вақт ўтиб пазандалик яна бир масаллиққа эга бўлади, таомлар рецепти ва технологияси кўпаяди. Энг муҳими, кўплаб истеъмол қилиниш натижасида одамларни турли касалликларга мубтало қилаётган шакар камроқ ишлатиладиган бўлади. Қанд лавлагиси ва шакарқамиш экилаётган майдонлар анча қисқаради ва ўрнига протеинли ўсимлик жорий қилинади. Бу ўсимликнинг медицина учун аҳамияти катта. Чунки бу неъмат кўп минглаб қанд диабети касалидан азоб тортаётган беморлар учун асосий парҳез бўлиб қолади. Яқин вақтларда шундай кун келадики, дўконга кирасиз, 1 килограмм шакар олмайсиз-да, 10 грамм ширин оқсил харид қиласиз, ўшани сувда эритиб, бир килограмм асал ўрнида истеъмол қилаверасиз. Бундан ҳали мевалар қўшиб мурабболар қайнатиш мумкиндир, хамирга солиб печеньелар, ёғ билан бирга ҳолвалар, сут ва мева шарбатларига аралаштириб шифобахш ичимликлар тайёрлаш мумкиндир. Қани, бўлаверсинчи, бу ёғини пазандаларга қўйиб берасиз...

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

*29 март — 4 апрель*



**Қўй (**21.03—21.04) — Ушбу ҳафтада кайфиятингиз кўтарилиб, ғайратингиз сезиларли даражада ошади. Уни жиддий ишларга йўналтиришга ҳаракат қилинг. Тижорат борасидаги ишларингиз олға силжийди.



**Бузоқ (**22.04-20.05) — Ҳафта бошидан ўта махфий маълумотларга эга бўласиз. Уни ҳар кимга ёйиб ўтирманг. Акс ҳолда касбий фаолиятингизга салбий таъсир этиши мумкин.



**Эгизаклар** (22.05 — 21.06) — Шу кунларда ҳамкорларингиз берган янги таклифларга эътироз билдирмаганингиз маъқул. Чунки бу кутилмаганда жуда фойдали ва самарали ишдир.



**Қисқичбақа (**22.06 — 22.07) — Ушбу ҳафта ўзингизни бутунлай ишга бахш этганингиз каби дам олиш кунларида ҳам тамомила хотиржам ва эркин дам олиш, оилавий тантаналар уюштиришга ҳаракат қилинг.



**Арслон** (23.07 — 22.08) — Шу кунларда зиммангизда қандай топшириқ бўлса уни сидқидилдан бажаришга урининг. Чунки касбий фаолиятингиз раҳбарлар эътиборини тортади.



**Паризод (**23.08 — 22.09) — Бу ҳафтада уй-жой, кўчмас мулк билан боғлиқ масалаларни тез ва осон ҳал қиласиз. Дам олиш кунларини эса рўзғордаги майда-чуйда ташвишлар билан ўтказасиз.



**Тарози** (23.09-22.10) — Яқин кунларда кўпдан кутган яхши хушхабарни эшитасиз. Оилангизда яқинларингиз, дўстларингиз билан дийдор кўришиб, хурсандчиликни баҳам кўрасиз.



**Чаён** (23.10-22.11) — Ушбу ҳафта ижод қилиш учун қулай фурсат. Охирига етмай қолган ишларингизни ниҳоясига етказиб, янги режалар асосида иш бошланг.



**Ўқотар** (23.11-21.12) — Шу кунларда атрофдаги дўстларингиз, ҳамкасбларингизга катта ижобий таъсир кўрсатиш имконига эга бўласиз. Кўпчиликка сизнинг маслаҳатингиз, ёрдамингиз керак бўлади.



**Тоғ эчкиси (**22.19—19.01) — Яқин кунларда сизга келажакда фойдаси тегадиган кишилар билан танишасиз. Уларда яхши таассурот қолдиришга ҳаракат қилинг. Бу жуда муҳим.



**Қовға (**20.01—18.02) — Бу ҳафтада кайфиятингиз баҳор об-ҳавосидек ўзгарувчан бўлади. Бундан ўзингиз ва атрофдагиларга бироз ноқулай бўлган вазият юзага келади.



**Балиқ (**19.02-20.03) — Ҳафта кўнглингизда кечган орзу-умидлар, ширин хаёллар оғушида ўтади. Ишқ-муҳаббат бобида бироз омадингиз келмайди. Бироқ яқин кунларда қувончли ютуқларга эришасиз.



Ўйнаймиз, куйлаймиз, қўшиқ айтиб яйраймиз

*Ҳамкорлик*

## ЯПОНИЯ АНЖУМАНИГА ТАРАДДУД

***«Ёшлар ва тинчлик» шиори остида жаҳон ёшлари анжуманини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Бу сафарги бундай нуфузли тадбир Японияда ташкил этилади.***

Шу йилнинг ёзида уюштириладиган мазкур анжуманда ўзбекистонлик толиби илмлар ҳам фаол иштирок этадилар. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ҳам ўз вакилларини Японияга юбориш тараддудини кўрмоқда.

Шу мақсадда олий ўқув юртида япон тили бўйича республика иншолар танлови ташкил этилди. Университетнинг халқаро журналистика факультети иқтидорли талабаси Машҳура Тўхтамирзаева эса ушбу танловда қатнашиб биринчи ўринни қўлга киритди.

М.Тўхтамирзаева икки йилдан бери «Япон нотиқлик санъати» кўрик-танловида қатнашиб, ўзининг ёзма ва оғзаки нутқини намойиш этди. Иншолар танловининг бу сафарги ғолибаси эса Машҳурага омад кулиб боқди.

Билимлар синови ғолиби жаҳон ёшларининг 2004 йилги «Ёшлар ва тинчлик» форумида ўзбек ёшлари вакили сифатида иштирок этади.

**Акбар АЛИЕВ**

*Анжуманлар*

## ТИЛ — МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

***Ўзбек тили туркий тиллар орасида шеваларга бой ва тузилиши жиҳатдан мураккаб тиллар сирасига киради. Шу сабабли ҳам ўзбек тили ўз нафосати, куч-қудрати, жозибадорлиги билан бошқа тиллардан ажралиб туради.***

Бугунги кунда «Давлат тили ҳақида»ги Қонун республикамизда босқичма-босқич жорий қилинмоқда. Бироқ унинг амалга оширилишида бир қатор муаммолар, ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ҳам пайдо бўлмоқда. Худди шу масалалар фақатгина «Тил байрамлари»да эмас, балки кундалик фаолиятимизда амалга оширилиши лозимлиги аён бўлмоқда. Айниқса, талабаларга мазкур Қонуннинг аҳамиятини тушунтириш, ижтимоий ҳаётимиздаги ўрнини кўрсатиб бериш жуда муҳимдир. Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳамкорлигида, «Давлат тили ҳақидаги қонун бажарилишининг долзарб масалалари» мавзусида ўтказилган илмий-амалий анжуман ҳам айнан ана шу мақсадларни кўзлаган ҳолда ташкил этилди.

Анжуманда Алишер Навоий номли Тил ва адабиёт институтининг етакчи олимлари иштирок этишди. Жумладан, академик Азим Ҳожиевнинг давлат тили хусусидаги фикрлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. У Қонуннинг бажарилишидаги камчиликлар ва келгусида амалга оширилиши лозим бўлган масалалар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шунингдек, филология фанлари доктори, профессор Эргаш Умаров, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Собир Мирвалиев, филология фанлари номзоди Неъмат Махкамовлар ҳам ушбу мавзу юзасидан қизиқарли, ўринли фикр ва таклифларини баён этдилар.

Анжуманда шунингдек, изоҳли луғатларнинг маърифий-маънавий қиммати, уларнинг илмий тафаккурнинг шаклланишидаги ўрни, ҳозирги босқичда яратилаётган кўп жилдли изоҳли луғат тузишдаги тажрибалар ҳақида, Мустақиллик йилларида юзага келган атамалар, уларнинг адабий тил луғатларида акс этиши ва сўз танлаш муаммолари, ўзбек адабий тилининг терминологик тизими қай аҳволдалиги ҳақида фойдали мулоқотлар бўлиб ўтди.

**Гулнигор САТТОРОВА**

*Соф ҳаво — танга даво*

***Сайёрамизда жонзот борки, ҳавосиз яшай олмайди. Саноати ривожланган, транспорти кўп, аҳоли зичлиги ортиб борган шаҳарларда ҳаво мусаффолиги ёмонлашади.***

## ФОЙДАЛИ ЎСИМЛИКЛАР

Қадим замонларда конда ишловчилар ўзлари билан шахталарга канарейка қушини олиб боришаркан. Қушлар шахтада ҳосил бўлган ҳар хил заҳарли газларни сезишлари билан эгаларини огоҳлантирган. Ҳозирги вақтда баъзи мамлакатларда қувурлардан ёнувчи газлар чиқишини махсус ўргатилган итлар ёрдамида аниқлашмоқда.

Атроф-муҳитдаги ҳосил бўлаётган ўзгаришларни сезишда ўсимликлар ҳам катта роль ўйнайди. Йирик саноат шаҳарларида дарахт пўстлоқларидаги лишайниклар тобора камайиб боряпти. Бунга ҳаво таркибида олтингугурт қўйиндисининг янада кўпайганлиги сабаб бўлмоқда.

Олимларимизнинг аниқ маълумотларига қараганда, одам саломатлиги учун ҳамиша посбон бўлиб келаётган, яъни ўзидан кислород чиқариб, соясалқин қилувчи ҳамда гўзал манзара берувчи дарахтлардан—ўрик, арча, оқ акация, чинор, тикан дарахт, тол, терак, клён, мевали дарахтлардан ўрик, олма, жийда, олхўри, тут, нок, бута—дарахтлардан—дўлана, наъматак, сирень, ўзидан хушбўй эфир мойи чиқарадиган манзарали гуллардан—атиргул, қашқаргул, чиннигул, чамандагул, шойигул, қўқонгул, гулбеор, тугмачагул, дастаргул, наврўзгул, лолагул, бинафшагул, флакс, хризантема, райҳон кабилар ҳавонинг ифлосланишига кўп бардош берадиган ўсимликлардан ҳисобланади. Бу дарахт ва гулларни саноат корхоналарининг майдонларига, автомобиль серқатнов бўлган йўл четларига экиш керак.

Манзарали дарахтлардан — дуб, капальпа, каштан, мевали дарахтлардан—ёнғоқ, гилос, шафтоли, гуллардан бегония, картошкагул, гладиолус, гулсафсар, пиёзгул, оқ наргис, пиёнгуллар маданият ва истироҳат боғларида ҳамда даволаш муассасаларининг ҳудудларига ва болалар боғчаларига экилса, кишилар саломатлиги учун катта фойда келтиради.

## «02»: ҲОДИСАЛАР

● **Маълумки, гиёвандлик жиноят, гиёванд эса жиноятчи ҳисобланади. Бу «оқ ажал» ўз домига кўплаб инсонларни тортаётганлигини эса инкор этиб бўлмайди.**

Чилонзор туманидаги «Эркин» йўл-патруль хизмати масканида ички ишлар ходимлари томонидан олиб борилган тадбирлар натижасида бирмунча шубҳали кўринган К.Эгам исмли шахс тўхтатилиб, текширилганда унинг ёнидан 1,34 грамм героин моддаси топилди.

● Собир Раҳимов туманида истиқомат қилувчи уй бекаси З.Одина ўз уйида 0,28 грамм героин моддасини Ф.Ҳосила исмли танишига пуллаётган вақтда ашёвий далиллар билан қўлга тушди.

Ҳозирда ушбу ҳолатлар юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

● Миробод туманида ҳеч қаерда ишламайдиган Р.Амирах ва А.Томлинлар панжара орти ҳаёти билан таниш бўлсаларда қайта жиноятга қўл урдилар. Улар таниши Шаабанинг хонадонига ғараз ният билан ташриф буюрдилар.

«Меҳмонлар» учун дастурхон ёзилди. Мезбон дўстларининг кўнглини олиш билан овора бўлаётган бир пайтда ноинсоф ўнга «меҳмонлар» кутилмаганда унга ҳамла қила бошлашди. Қўлларига ошхона пичоғини олиб уй эгасини қўрқитиб 100000 сўмлик «Панасоник» радиотелефони, «Командир» соати ва 20 АҚШ долларини тортиб олиб, ғойиб бўлдилар. Ҳозирги кунда дўстини тунаган ушбу икки босқинчи устидан тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

● **Бугунги кунда фирибгарлик тузоғига илинаётган шахсларнинг алданганликларидан сўнг ички ишлар идораларига ёрдам сўраб мурожаат қилаётганлигига хизмат жараёнида кўп бор дуч келмоқдамиз.**

Бу тоифадаги кимсалар соддадил фуқароларнинг ишончларини суиистеъмол қилиб қўйниларини пуч ёнғоққа тўлдириб кетаётганликлари минг афсуски, бор гап. Миробод туманида илгари ушланган, ҳеч қаерда ишлаймайдиган С.Никита исмли кимса ҳам шаҳримизда истиқомат қилувчи фуқаро А.Турсунни «фирма очишга ёрдам бераман» деб алдаб 160000 сўм пулини қўлга киритиб қайтариб бермаган.

● Чилонзор туманида яшовчи К.Рима ҳам таниши З.Сожиданинг уйига меҳмонга келиб, уни ўйлаган найрангларига ишонтириб, «чет элга ишлашга юбораман» деб, 250 АҚШ долларини олиб қайтаришни хаёлига ҳам келтирмаган. Эндиликда найранглари тамомила фош этилган бу фирибгарлар қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришмоқда.

**Самариддин ХАЛИЛОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази инспектори.**

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов тумани ҳокимлиги томонидан Тошхонов Раҳматулла номига берилган ЖШ №008070 рақамли чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

# ЮРАК АМРИ

## Ҳикоя

Ой Тошмат ака хонадонининг тиккасига келди-ю, булутларни нарибери суриб, чарчаган саман отдек бир зум тўхтаб қолди. Гўё у шу уйда содир бўлаётган воқеаларни синчиклаб ўрганмоқчи бўлгандек, аста дераза тирқишидан мўралади. Уйда қизғин суҳбат борарди. Гап жилови қалин кўрпа ичида диққинафас бўлган Юракда эди.

— Эй, истасанг оламда довруғ соладиган Бош, бетингга лой чапланганидан хабардормисан? Уйқудан кўзингни оч, дўстларингга боқ, атрофга назар сол. Ширин ҳаётнинг лаззатли ҳавосидан нафас ол. Қачонгача чайқовчи эгангнинг алдамчилик билан топган пулларини ҳисоб-китоб қиласан? Қачонгача муҳтарам Тилни ёлғон сўзлар билан қайрайсан? Дўстим, инсонлар сендан безмасдан қинғир ишларингни текислаб ол. Эгангнинг жиловидан тортиб қўй!..

Бош пар ёстиқдан кўтарилиб, ҳасрат дастурхонини ёзди:

— Қадрдон Юрак, сен ҳамма айбни менинг гарданимга юклама. Баъзи пайтлар сен ҳам томошабин бўлиб турдинг. Хабаринг бор, кейинги пайтларда эгамиз «шайтон»лар билан бир товоқдан сув ичиб юрибди. Неча бор «Соф меҳнатдан иззат-роҳат кўрасан» десам, помидор қоқисидек нуқул афтини буриштиради. Пулдеса отасини танимайдиган эгамиз ҳалоллик чизиғидан чиқиб кетяпти. Бетимга лой чапланганини рост, лекин айб менда эмас. Кечаги якшанба эгам кийим-кечак омбори мудири билан ярим кечагача «отамлашди». Тил гапираверib ҳолдан тойди. Сен ҳам сиқилдинг, мен эса ақлдан озай деб қолдим. Сенинг кўрсатмаларингни бажаришга менда куч йўқ эди. Қулоқлар гаранг, кўзлар ярим юмуқ, қўл-оёқлар бўш ичакдек шалвираб қолган эди. Эгам ҳар икки қадамда йиқилавериб, мени лойга белади. Қўл-оёқлар шикаст еди. Йўлда учраб қолган танишлари олиб келиб қўймаганда эди...

— Тўғри гапираяпсан, Бош. Менинг томошабин бўлиб турган пайтларим ҳам бўлган. Кун ора Коньяк, Ароқлар бостириб кираверганидан кейин қўрқоқ, бетоб бўлиб қоларкансан, киши. Эсингдами, анави куни эгамиз омбордан мол олиб икки бараварига сотаётганида қўлга тушишига сал қолди. Эпчил қўллар пул узатиб, чаққон оёқлар «қуён» бўлиб қолмаганида эди, ҳолимизга маймунлар йиғлаган бўларди.

— Шунинг учун ҳам биз уни жиноий ишлардан қутқариб қолишимиз керак, — деди Бош вазминлик билан. — Шундай иш тутишимиз лозимки, эгамиз биз айтганча йўл тутсин. Бунинг учун эса бирлашиш керак.

— Яхши ўйладинг, Бош. «Бирлашган ўзар» деганларидек, бирликда куч кўп. Ҳурматли Бош, Қўл, Оёқ ва бошқа фаол аъзолар, эшитинг. Бугундан эътиборан чайқовчи эгамиз бизнинг мусаффо талабимиз билан яшамас экан, биз унга хизмат қилишдан воз кечамиз!

— До... од, ўламан... кечиринг азизлар... Кечир Бошим, жоним Юрагим. Мени ўлим жарига итарманг. Тавба қилдим. Энди пешона тери билан нон топиб ейман...

Тошмат ака ўз товушидан ўзи уйғониб кетди.

Бу ҳангомалардан чуқур таассурот олган Ой бир жилмайди-да, йўлида давом этди. Тошмат ака ўз сўзида турибди. У доим хўроз қичқирмасдан ишга отланармиш.

**Абдунаби МАННОПОВ**

*Бўш вақтингизда*

# ТОПШИРИҚЛИ СКАНВОРД

**Газетанинг шу йил 19 март сонида берилган «Байрам айёми» чайнкроссвордининг жавоблари:**

1. Маймун. 2. Нок. 3. Кўчат. 4. Турна. 5. Айём. 6. Кўклам. 7. Мушак. 8. Кўмак. 9. Куртак. 10. Коинот. 11. Тилак. 12. Кўпкари. 13. Ипак. 14. Арпа. 15. Алик. 16. Кураш. 17. Шийпон. 18. «Нола». 19. Савод. 20. Данак. 21. Куч. 22. Чигит. 23. Товус. 24. Тонг. 25. Гул. 26. Латифа. 27. Амал. 28. Лаззат.

**Муаммонома**

**Асар номи: «Наврўзнома».**




*Сканвордни тўғри ҳал эта олсангиз шакл айланаларидаги ҳарфлардан халқ мақолларидан бирини билиб оласиз.*

*Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.*



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 5252 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-407. 1 3 4 5 6